

	<p style="text-align: center;"><b>“ТАСДИҚЛАНГАН”</b> “Uz-Dong Won Ko.” АЖ ҚК Акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил “__” январдаги қарори билан</p> <p style="text-align: center;"><b>Кузатув кенгаши раиси</b></p>
--	---

**Акциядорлик жамияти шаклидаги “Uz-Dong  
Won Ko.” қўшма корхонасининг “Кузатув  
кенгаши тўғрисида”ги Низом**

1. Умумий қоидалар.
2. Жамият кузатув кенгаши ваколатлари
3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
4. Жамият кузатув кенгаши Раисини сайлаш.
5. Жамият кузатув кенгаши йиғилишини ўтказиш тартиби.
6. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
7. Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгарлиги.
8. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига рағбатлантириш миқдорини белгилаш тартиби.
9. Яқуний қоидалар.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, бошқа қонунчилик актлари, “Уз-ДонгВон Компани” АЖ Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг Устави (матн бўйича “Жамият”), Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган, кузатув кенгашининг мақоми ва унинг ишини регламентини, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

## **II. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши ушбу Қонунда ва жамият уставида акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно, жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

2.2. Жамият кузатув кенгаши ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

а) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақиритиш, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) Жамият устaviga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

ё) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ж) Жамиятнинг бошқарув аъзоларини тузиш, сайлаш (Раисдан ташқари) (тайинлаш), Бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, вақтинчалик Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш

з) Жамият Бошқаруви раиси лавозимига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;

и) Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, қўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

к) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи Низомни тасдиқлаш, агар Жамият устави билан мазкур лавозим киритилиши белгиланган бўлса;

л) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Жамият бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай кузатув кенгаши йиғилишида тасдиқлиниши лозим;

м) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

н) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

о) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви ва МСФО бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

п) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

р) Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

с) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

т) Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

у) Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади);

ф) Қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият томонидан йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

х) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

ц) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ч) Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

ш)- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

э) Жамиятнинг "Ахборот сиёсати тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш;

ю) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

я) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

ў) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган

биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

к) Жамият соф активлари миқдорининг бир фоиздан ошиқ ва эллик фоиздан юқори бўлмаган хомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

ғ) Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб этиш.

2.3. Жамият кузатув кенгаши Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини жорий этиш юзасидан қуйидаги ишларни амалга оширади:

Жамиятда тузилган ижроия органи, ички назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва лозим бўлганда Жамиятни ривожлантириш бўйича режаларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган мақсадларга эриш бўйича мониторинг ташкил этиш учун экспертларни жалб қилиш;

Жамият структурасини қонун талабларига асосан ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш, тадбиқ этиш ва доимий баҳолаш ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилишни таъминлаш;

Корпоратив кодекси тавсияларини жорий этишини назорат қилиш.

2.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ бошка масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.5. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

2.6. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

2.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарорлар кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

2.8. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоиздан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

2.9. Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

2.10. Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ**

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари қонунчиликда ва Жамият уставига назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

3.2. Жамият кузатув кенгаши таркиби Жамият уставига билан белгиланади.

3.3. Кузатув кенгаши таркибида биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кузда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоиздан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилади. Бунда мустақил аъзо номзодини киритиш акциядорлар томонидан

келишилган ҳолда амалга оширилади. Мустақил аъзо номзоди илгари сурилмаган тақдирда Жамият Кодекснинг ушбу тавсиясига амал қилмаганлиги сабаблари тўғрисидаги маълумотларни жамият веб-сайтида ва қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган сайтида (openinfo.uz) эълон қилади.

3.4. Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

3.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.6. Жамият ижроия органи раиси ва аъзолари Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.7. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядор ўзгарганда, кузатув кенгаши аъзоси ўз мажбуриятларини бузганда ёки тегишли аризаси бўлганда ва бошқа ҳолларда амалга оширилади.

3.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.10. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.11. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.12. Кузатув кенгаши аъзолари сони \_\_\_ кишидан иборат.

#### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ**

4.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши

аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссияси, Бошқарувининг, шунингдек ички аудит хизмати бошлиғи ва Жамиятнинг беш фоиздан кам булмаган акциядорларнинг талабига кўра чақирилади. Жамият кузатув кенгаши йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби жамият Устави билан белгиланади.

5.2. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тартибда қуйидагилар кўриб чиқилади:

- Жамият ижроия органининг Жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги, Жамият таркибига қирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳамда жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларини;

- Жамиятда йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузилиши, шу жумладан, ушбу битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши бўйича тафтиш комиссиясининг хулосалари;

- Ички аудит хизмати ҳисоботи;

5.3. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият устави билан белгиланади, бироқ кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

5.4. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони Жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, Жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.5. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар қонунчиликда ва Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 18-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.6. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йул қўйилмайди.

5.7. Жамият уставида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

5.8. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув

кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

5.9. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.10. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.11. Жамият кузатув кенгаши сўров йўли билан ўтказилиши мумкин, бунда тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ва ижроия органи ҳисоботи бундан мустасно. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.12. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.13. Жамиятда техник воситалар, кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа аппаратуралар мавжуд бўлган тақдирда, кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференц-алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1 Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- муайян давр учун Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг жорий ҳолати, Жамият ишлаб чиқариш-хўжалик ва тижорат фаолияти бўйича ҳар қандай давр учун асосий кўрсаткич, уни ривожлантириш режалари тўғрисидаги маълумотлар олиш;
- қонунчиликда ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларни олиш;
- Кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, аудит, кадрлар бўйича ва бошқа қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш.
- қонунчиликда ва Жамият уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

6.2. Агар Кузатув кенгаши аъзоси жамият тарафи бўлган битимда молиявий манфатларга эга бўлса, шунингдек Кузатув кенгаши аъзоси ва жамиятнинг бошқа манфатлари зид бўлган тақдирда, Кузатув кенгаши аъзоси битим тузилишдан олдин Кузатув кенгашини ёзма равишда хабардор қилиши шарт, битим тузиш тўғрисида қарор эса манфатдорлик бўлмаган Кузатув кенгаши аъзолари ёки акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган акциядорлар томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилиниши керак.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари, улар, уларнинг турмуш ўртоқлари, ота-онаси, боллари, опа-укалари ҳамда уларнинг аффилиланган шахслари:

-битим тарафи ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашса;

-битим тарафдори бўлган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида ишроқ этаётган юридик шахс акцияларининг (улушларнинг) йигирма ва ундан ортик фоизига эгалик қилиши;

-битим тарафдори бўлган ёки унда воситачи ёки вакил сифатида иштироқ этаётган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимларга эга бўлса шахсий молиявий манфадорлик эга ҳисобланишади.

6.4. кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан қарорларни қабул қилинишига таъсир қилгани учун бевосита ёки билвосита мукофот олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.5. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.6. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларга мажбур:

-ўзининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йулида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш;

-кузатув кенгаши барча йиғилишларида сиртан (шахсни идентификация қилувчи техник мосламалар, видео-конференц алоқа орқали) ёки бевосита иштироқ этиш (узрли сабалардан ташқари)

-ўз вақтида бевосита иштироқ этган кузатув кенгаши баённомаларини имзолаш;

-жамиятнинг молиявий-иқтисодий, ишлаб чиқариш ва корпоратив фаолиятини ривожлантиришда бевосита иштироқ этиш;

-ҳар чоракда жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича иш режаларини (КПЭ) тайёрлаш ва ҳар чорак яқунлари бўйича кузатув кенгашига бажарилиши бўйича ҳисобот киритиш;

- қонунчиликда ва Жамият уставида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида белгиланган тартибда Жамият олдида жавобгар бўлишади.

7.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

7.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштироқ этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

7.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб қаида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ МОДДИЙ РАВБАТЛАНТИРИШ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

8.1. Кузатув кенгаши аъзоларига корпоратив бошқарув тизими мустақил баҳолаш ва жамиятнинг молиявий фаолияти натижалари бўйича иш ҳақи тўланади.

8.2. Жамият ҳар ойда (ҳар чоракда, ҳар олти ойда бир марта) корпоратив бошқарув



тизимини ва жамиятнинг молиявий фаолиятини мустақил равишда баҳолайди.

8.3. Мустақил баҳолаш натижалари Кузатов кенгаши раиси ва аъзоларига тўланадиган мукофот миқдорини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

8.4. Мустақил ташкилот билан тузилган шартномага мувофиқ, Кузатов кенгаши фаолияти натижалари қониқарсиз, паст, қониқарли ва юқори деб тан олинishi мумкин.

8.5. Мукофот миқдори (1 календар ой давомида кузатов кенгашининг 1 аъзосига) қуйидаги тартибда белгиланади:

- агар у қониқарсиз деб топилса, мукофот ундирилмайди ёки тўланмайди;
- агар у паст деб тан олинса - ҳақ олинмайди ёки тўланмайди;
- агар у қониқарли деб топилган бўлса, мукофот энг кам иш ҳақининг \_\_ баробари миқдорида ҳисобланади ва тўланади;
- агар у юқори деб тан олинса - энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида мукофотиш ҳисобланади ва тўланади.

8.6. Бундай ҳолда, кузатов кенгаши раисига кузатов кенгаши аъзосига тўланадиган сумманинг 1,1 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўланадиган мукофот учун кўпайиш коэффициенти белгиланади.

## 9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Акциядорлар ёки қимматли қоғозлар бўйича мутахассис ёки корпоратив котиб билан корпоратив алоқалар бўлими (бўлим) Кузатов кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан алоқа қилиш учун жавобгардир.

Котиб кузатов кенгаши томонидан тайинланади ва қуйидаги мажбуриятларга эга:

- кузатов кенгаши аъзолари, ижро этувчи орган ва тафтиш комиссияси ўртасида ўзаро алоқада бўлган шахс сифатида ҳаракат қилиш;
- кузатов кенгаши йиғилишлари учун ҳужжатларни тайёрлаш;
- акциядорга тақдим этиш учун ҳужжатларни тайёрлаш;
- Кузатов кенгаши номидан тақдим этилган масалалар бўйича чиқарилган қарорлар ва қарорлар лойиҳаларини акциядор кўриб чиқиши учун юбориш;
- акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида Кузатов кенгаши, Бошқарув, Тафтиш комиссияси, ички аудиторга хабар бериш;
- кузатов кенгаши йиғилишларида акциядор ва котибнинг вазифаларини бажариш;
- кузатов кенгашининг баённомаларини юритиш;
- кузатов кенгашининг баённомаси ўтказилгандан кейин 10 кундан кечиктирмай тузиш;
- кузатов кенгашлари мажлисларини ўтказиш учун ҳужжатлар йиғиш, йиғилишларни тайёрлаш босқичида кузатов кенгаши аъзоларининг иш материаллари билан танишишини таъминлаш;
- Кузатов кенгаши мажлислари ва акциядорлар учун материаллар дизайни, жойлашуви ва кўпайишини таъминлаш;
- акциядорларга, кузатов кенгаши аъзоларига, ижроия органи раҳбариятига кузатов кенгаши мажлислари учун тайёрланган материалларни тарқатиш

Ўз вазифаларини бажариш учун кузатов кенгаши томонидан тайинланган котиб, бир вақтнинг ўзида кузатов кенгаши котиби вазифасини бажарувчи, кузатов кенгаши ёки акциядорнинг қарори билан пул мукофотини олишга ҳақлидир.

Агар Жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий қилинган бўлса, у ҳолда кузатов кенгашининг қарорига биноан кузатов кенгаши котибининг вазифалари корпоратив маслаҳатчи зиммасига юкланиши мумкин.

9.2. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

9.3. Агар ушбу Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва / ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар нуқтаи назаридан, ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилмагунча, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва / ёки Жамият Уставининг нормалари асосида қўлланилиши керак.